

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

<b>Қ.Бозоров</b>	
Андижоннинг сугорилиш тарихига доир муроҳазалар .....	81
<b>У.Усаров</b>	
ХІХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари.....	85
<b>Б.Шодмонов</b>	
Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилишининг тарихий босқичлари .....	90

---

#### АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>А.Акбаров</b>	
“Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси.....	98
<b>Г.Қосимова</b>	
Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли .....	102
<b>Б.Абдураҳмонова</b>	
Оғаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш .....	105
<b>В.Қаюмов, Б.Деҳқонов</b>	
У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи.....	110
<b>О.Солиева</b>	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм) .....	114

---

#### ТИЛШУНОСЛИК

<b>Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова</b>	
Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник моделли гапларнинг ўрни .....	119
<b>З.Алимова</b>	
Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида.....	124

---

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>М.Ахмедова</b>	
Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида қасбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари .....	128
<b>М.Шокирова, Н.Абдуллаева</b>	
Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви.....	132
<b>У.Хайдарова</b>	
Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти .....	136

---

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Г.Тиллабаева</b>	
Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала .....	140
<b>В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова</b>	
Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиагонал матрицавий элементлари ҳақида .....	143
<b>Х.Муидинов</b>	
Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши .....	147
<b>Б.Усманов, Ш.Умурзакова</b>	
Буғдор навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари .....	150
<b>Ф.Юлдашев, Д.Обидова</b>	
Ёшлар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари .....	153
<b>А.Мамаджанов</b>	
Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси .....	156
<b>М.Шамсиева</b>	
Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида .....	159

УДК 347: 323 ( 575.1)

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ  
ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИННИГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ

ГОСУДАРСТВЕННАЯ МОЛОДЕЖНАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА И  
ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ РАЗРАБОТКИ ЕЁ ПРАВОВЫХ ОСНОВ

STATE YOUTH POLICY OF UZBEKISTAN AND THE HISTORICAL STAGES OF THE  
DEVELOPMENT OF ITS LEGAL FRAMEWORK

Б.Шодмонов

**Аннотация**

Мақолада ёшларга оид давлат сиёсатини ҳуқуқий тартибга солиш масаласи, уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишининг муҳим жиҳатлари, ташкилий-бошқарувчилик механизmlари ҳақида сўз юритилади. Хусусан, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати шаклланиши ва амалга ошириш жараёнларининг хронологик босқичлари муҳокама қилинган.

**Аннотация**

Статья посвящена вопросам, касающимся правового регулирования государственной молодежной политики, важных моментов ее разработки и реализации, а также организационно-управленческих механизмов. В частности, обсуждены хронологические этапы процессов формирования и реализации в стране молодежной политики.

*Annotation*

The article emphasizes that the issues of legal regulation of youth state policy are addressed in the political processes on important aspects of its development and implementation, as well as mechanisms of organizational management. In particular, the chronological stages of the process of formation and implementation of the state youth policy in the country were discussed.

**Таянч сўз ва иборалар:** ёшлар, илим, тафаккур, интеллектуал ёшлар, таълим, олий таълим, ёш олимлар, ёш авлод, қонун, ёш мутахассис, Ёшлар имтифою

**Ключевые слова и выражения:** молодёжь, наука, разум, интеллектуальная молодежь, образование, высшее образование, молодые учёные, молодое поколение, закон, молодой специалист, союз молодежи.

**Keywords and expressions:** youth, education, thinking, intellectual youth, knowledge, higher education, young scientists, young generation, law, young specialist, The Youth Union

Ёшларга оид давлат сиёсатини ҳуқуқий тартибга солиш масаласи сиёсий жараёнларда уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишининг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Айнан қонунчилик даражаси ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишининг самарадор ташкилий-бошқарувчилик механизmlари шаклланиш имкониятларини белгилайди.

Мустақиллик эришгач, кўпгина соҳалар қатори Узбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати ҳам алоҳида йўналиш сифатида тубдан қайта ташкил топди бир қатор муҳим тадрижий тараққиёт босқичларини бошдан кечирди.

Ёшларимиз бугун эришган ва эртага мамлакатимиз тараққиёти учун замин бўладиган мақсадлар билан яшаяпти. Улар амалга ошираётган жасорат намуналари ҳақида минглаб мисолларни келтириш мумкин. Мустақиллик шарофати билан тикланган

маънавий меросимизни ўрганишда, урфодатларимизга риоя этишда, мутафаккир ва алломаларимиз билан фахрланишда, ўз давлати мадҳиясини куйлашда, миллат байроғидан мағурланишда, аждодларга армон бўлган, авлодларга инъом бўлган “Ватанимга ва Президентимга хизмат қиласман!” деган шавкатли туйғуларга тўлган янги авлод вужудга келди. [1]

Хусусан, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати шаклланиши ва амалга ошириш жараёнини соҳага оид қабул қилинган иккита муҳим қонуннинг қабул қилиниши билан боғлиқ равишда икки хронологик босқичга ажратиш мумкин.

**Биринчи босқич,** 1991-2016 йилларни ўз ичига олиб, уни ёшларга оид давлат сиёсатининг жорий қилиниши, унинг давлат сиёсий фаолиятининг алоҳида устувор йўналиши сифатида ажralиб чиқиши ва институсионаллашуви каби бир қатор хусусиятлар билан тавсифлаш мумкин.

Б.Шодмонов – XTXҚТМОҲМ ижтимоий-иктисодий фанлар методикаси кафедраси мудири.

## ТАРИХ

Ушбу босқичнинг бошланиши 1991 йил 20 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” [2]ги Қонуни қабул қилиниши билан белгиланади. Шунингдек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши “Ёшларга оид давлат сиёсати” атамасининг кенг илмий ва амалий истеъмолга кириб келишига замин яратди. Ушбу санадан то бугунги кунгача Республикаизда ёшлар сиёсати давлат сиёйи фаолиятининг алоҳида тури сифатида амал қилиб келишига олиб келди. Қонуннинг қабул қилиниши ёшларга оид давлат сиёсати билан шуғулланувчи давлат ҳокимияти органлари ва Ёшлар ишлари бўйича давлат Кенгаши юзага келишига сабаб бўлди. Қонунга кўра Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.[3]

Бу борада, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жараёнида ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб ўстириш, уни энг замонавий интеллектуал билимлар билан таъминлаш, маърифатлилик даражасини янада кучайтириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди. Айни пайтда, давлат ва ҳалқ ҳаётида ёшларга янада кенг йўл очиш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносаб жой олиши учун керак бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш бу соҳадаги асосий вазифалар сифатида белгилаб олинди.

Ёшларни сиёсий-ижтимоий жараёнларга жалб қилиш, уларни демократик янгиланиш жараёнларининг фаол иштирокчисига айлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Ушбу жараёnda ёшлар биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан “миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин”[4,119] яъни, ёшларнинг ёшларга оид давлат сиёсатининг нафақат обеъкти балки унинг субъекти сифатида тавсифлангани бежиз эмас эди.

Ўзбекистоннинг айнан ўша даврда истиқлолга эришиши, ҳаётнинг барча соҳалари қатори, бу борадаги ислоҳотлар ва

янгиланишлар учун кенг имконият яратди, ушбу йўналиш давлатимиз сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланди. Бу борада биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг мустақилликнинг илк даври ниҳоясида билдирган куйидаги фикри ёшларга оид давлат сиёсатининг энг асосий мақсад-муддаолари ва устивор йўналишларини аниқлаш ва англашда ниҳоятда муҳим назарий хulosса бўлиб ҳисобланади: “...ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асрар, уларни миллий ва умумбашарий қадриялар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй берадиган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳақоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ва мезони бўлиши даркор”.[5,131]

Ушбу хulosага асосланиб ва ўша давр талабларидан келиб чиқиб, юртимизда ёшлар муаммосига алоҳида аҳамият қаратилди, уларнинг манфаат ва эҳтиёжларини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратишга киришилди. Шунингдек, давлатимизнинг ёшлар масаласига доир стратегик йўналишлари изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга ошириш учун зарур бўлган долзарб вазифалар ҳамда ушбу вазифалар ижросини таъминловчи бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотларибелигилаб олинди. Бундан маълум бўладики, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати институционаллашувининг дастлабки даврларидаёқ, мазкур соҳани ўрганишга қаратилган тадқиқотларда таъкидланганидек, ёшлар ҳамда бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари бу йўналишдаги давлат сиёсатининг субъектлари сифатида кўрсатилди.

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” қонуни амал қилган 1991-2016 йиллар билан белгиланувчи биринчи босқичда мазкур қонун ёшларга оид давлат сиёсатининг шаклланиши ва самарали амал қилишини таъминлади. Айнан ана шуни назарда тутган ҳолда, мустақилликка эришган собиқ иттифоқ республикалари ичida биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда қабул қилинган ушбу тарихий ҳужжат, бу борада

ҳам бош ислоҳотчи бўлган давлатимизнинг ёшларга оид давлат сиёсатининг энг асосий ва устивор йўналишларини белгилаб берди.

Мазкур қонунда ўша даврдаёк, ёшларнинг таълим олиши, халқаро алоқаларда иштироки муҳофаза қилиниши, вояга етмаганлар билан ишлаш, истеъододли ёшларни қўллаб-қувватлаш масалалари хусусида[6] баъзи меъёрлар белгилаб олинди. Улар Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги бир қатормеъёрий-хуқуқий хужжатларда ҳам ўз аксини топади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонулари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда таълим олаётган ёшларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Истиқболли ёш педагог ва илмий Кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда “2009–2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги, “2011–2013 йилларда Республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги каби бир қатор меъёрий-хуқуқий хужжатлар ёшларимизни ҳаётда ўз ўрнини топишида, уларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб, фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги уларнинг ҳиссасини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу вазифаларни изчиллик билан амалга оширишда биринчи кундан бошлаб ёш авлодга таянилди. Ёшларни сиёсий-ижтимоий жараёнларга жалб қилиш, уларнинг ислоҳотлардаги фаол иштирокини таъминлаш орқали уларнинг демократик янгиланиш жараёнларининг иштирокчиси сифатидаги роли янада ортди. Бу қуйидагилар билан белгиланади:

- янги асрга келиб, ёшларга муносабат масаласида дунё тараққиёти учун умумий бўлган қонуниятнинг мавжудлиги аён бўлди, яъни, ёшлар энди нисбатан устивор аҳамиятга эга шахсдан жамият тараққиётини

белгилайдиган, уни амалга оширадиган етакчи кучга айланди;

- ёшларнинг интеллектуал қобилиятлари, касбий малакаси, маънан ва руҳан баркамоллик каби ижтимоий сифатлари бутун жамиятнинг ривожланиш даражасига ижобий таъсир кўрсатди. Бундай тенденциялар ёшларнинг алоҳида ижтимоий демографик қатлам сифатида сиёсатнинг фаол субъектига айланиб бораётганини кўрсатади. Худди мана шу омилларни назарда тутиб, биринчи Президентимиз И.А.Каримов: “Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қиласди. Бугун ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқенини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир”, деб таъкидлаган эдилар.[7,23]

Умуман олганда, ёшларга доир сиёсат йўналиши бир қанча ривожланган давлатларда XX-асрнинг 60-70-йилларида мустақил соҳа сифатида шаклланди. Бироқ, 1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Самарали ёшлар сиёсатини шакллантиришнинг асосий қоидалари тўғрисида” резолюция қабул қилинганидан сўнг бу масала янада долзарб аҳамият касб этди, деб ёзади Л.Тангриев ўзининг “Ёшлар сиёсати субъекти: бандлик муаммоси” номли номзодлик диссертациясида.[8.] Ҳар бир мамлакатда ўзига хос, давлат қурилиши ва бошқарув тизимида мос равишда ёшлар сиёсатини юритишнинг турли механизmlари ва тизимлари қарор топа бошлади.

Шу нуқтаи-назардан ёндашганда, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши давлатнинг ёшларга доир сиёсатида муҳим босқич ҳисобланиб, сиёсатда ёшлар муаммосига алоҳида аҳамият қаратиш учун кенг имкониятларни очиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-2124-сонли қарори асосида маҳсус Давлат дастури қабул қилинди. Мазкур Дастур ижросини тўлақонли ҳамда сифатли амалга ошириш, белгиланган вазифаларни ўз муддатида самарали бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳаракат режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режа 7 бўлим, 76 банддан иборат бўлиб, . Дастур доирасида

## ТАРИХ

турли йўналишларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни қамраб олди.

Дастур орқали ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, республикамиздаги таълим муассасалари ўқувчи, талабаларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган “Хукуқ билимдонлари”, “Сиз қонунни биласизми?” ва “тафаккур синовлари” каби республика танловларининг ўтказилиши ёшларга ўз билимларини баҳолаш имкониятинигина эмас, балки ушбу билимлар орқали мамлакатимизни янада ривожлантиришга интилиш, ташаббусларини кўрсатиб берди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг расмий сайтида “Парламентаризм билимдони-2013” on-line танлови викторинасида 5700 дан ортиқ ёшлар иштирок этганлиги [9] ҳам бу борадаги ишлар натижадорлигини кўрсатди.

Ҳаёт ҳуқуқий-демократик, инсонпарвар давлатни вужудга келтиришнинг бош омили мукаммал қонунчилик эканлигини кўрсатиб турибди. Ана шу ўлчовдан келиб чиқиб, бошқарув тизимидан тортиб, кўпқиррали ҳаётимизнинг энг кичик соҳаларигача даҳлдор бўлган қонунлар тизимини ишлаб чиқишини заруратга айлантирмоқда.[10,43] Қонун мукаммал ва аҳоли маънвий-аҳлоқий олами етук бўлган жойда одамлар ўзларини ўзлари бошқариб бораверадилар. Юксак маънавият ва қонунга бўйсуниб яшаш турмуш тарзига айланади. Ана шундай тартибда давлат ва бошқарув органлари фаолиятлари тубдан ўзгаради, давлатнинг бошқарувчилик вазифаси ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари зиммасига тушади ёки Президентимиз табири билан айтганда “Хукуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир”.[11.140] Ушбу сўзлар мамлакатимиз аҳолисининг нафақат ҳуқуқий онгини юксак бўлишига балки, ўсиб келаётган ёш авлоднинг халқимизга хос юксак маънавий қадриятлар ва энг яхши анъаналар руҳида камол топиши, Ватанимиз тақдирни, унинг келажаги ва эртанги кунига масъуллик туйғусини теран англаши, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик испоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ҳаётимизнинг барча жабҳаларини испоҳ қилиш ва янгилаш бўйича тобора жадаллашиб бораётган ишларга ўз ҳиссасини қўшиш

мақсадида ўқища, ишда катта ютуқларга эришишга интилишларини талаб этади.

Кўриниб турибдики, бу даврда ёшларга оид давлат сиёсатининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва айниқса, ҳуқуқий асослари доимий мустаҳкамлаб борилган.

Бу соҳада ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратилиши миллий давлатчилигимиз тарихидаги энг катта ютуқлардан биридир.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг меъёрий-ҳуқуқий асосларининг батафсил таҳлилини биргина параграф доирасида амалга ошириш имконсиз.

Шуни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати шаклланиши ва амалга ошишининг биринчи босқичини мазкур сиёсатнинг ижросини таъминловчи субъектларнинг ташкил топишига кўра **тўрт ҳронологик тарихий даврга** ажратиш мумкин.

**Биринчи давр**, 1992-1996 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда Ўзбекистон “Ёшлари Иттифоқи”[12.82] номи билан фаолият юритган ташкилот ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий субъекти вазифасини бажарган. У аъзоликка асосланган бўлиб, фаолиятини аъзолар томонидан тўланадиган бадаллар ҳисобига йўлга кўйган.

Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” фаолияти, биринчидан, аъзолардан бадал йиғиши, уларнинг ҳисобини олиб бориш, ҳисоб карточкалари юритиш каби бюрократик вазифалар;

иккинчидан, ташкилот фақатгина сиёсат, мафкура масалалари билан шуғуллаиб, собиқ “комсомол” ташкилотининг изидан кетган;

учинчидан, Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” бозор иқтисодиётига ўтиш сари илдам фаолият олиб бора олмаган.

Юқорида келтириб ўтилган ва шунга ўхшаш камчиликлар бу ташкилот фаолиятини қайта кўриб чиқиш масаласини юзага келтирган.

Мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиш даврида ёшларни ижтимоий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, уларда тадбиркорлик кўнилмаларини шакллантириш, боқимандалик кайфиятидан халос этиш каби бир қатор заруратлар пайдо бўлди. Натижада 1996-2001 йилларни ўз ичига оловчи ёшларга оид давлат сиёсати шаклланишининг **иккинчи даври** бошланди.

Бу даврда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий ижрочиси сифатида “Камолот” жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси тўғрисида”ги ПФ-1425-сонли[15] Фармонига асосан ташкил қилинди ва бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармасини қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги 207-сонли қарори билан унинг ижросини таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилди. Бу ташкилот аъзоликка асосланмаган бўлиб, жамғарма бўлимлари қошида ҳукумат қарори билан берилган имтиёзлар асосида фаолият юритадиган шўъба корхоналардан (улар 5 йилгача давлат солигидан озод этилган эди) олинадиган фойда ҳисобига дастурий фаолиятини юритди.

Ўз навбатида “Камалот” жамғармасининг ўша давр талабларига етарлича жавоб беролмаганини оқибатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги “Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида”ги 240-сонли қарори[16] билан Жамғарма “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатига айлантирилди ҳамда бу 2001-2006 йилларни қамраб олувчи Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати шаклланишининг **учинчи даврини** бошлаб берди.

Бу даврда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастури ва Низомида белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишга, Ҳаракатнинг молияй-иктисодий негизини ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга имконият яратилди. Бу ташкилотда аъзолик бадали йигилмайдиган, аъзолик билети юритилмайдиган бўлди ва ташкилотга мафкуравий вазифа юкландиди. Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати - Ўзбекистон ёшларининг ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган, ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилот сифатида таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил октябрдаги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-кувватлаш ва унинг самарадорлигини янада ошириш

тўғрисида”ги ПҚ-486-сонли қарори[17] ўзига хос янги даврни бошлаб берди ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини ислоҳ қилиш ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этган мазкур **тўртинчи давр** 2006-2016 йилларни ўз ичига қамраб олди. Ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, маънавий-маърифий соҳага даҳлдор бўлган вазирлик ва идоралар томонидан ёшлар масалаларини, авваламбор, уларнинг долзарб муаммоларини ечиш, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишда йўл қўйилаётган совуққонлик, бепарволик ва масъулиятсизлик ҳолатларини бартараф этиш, энг асосийси, ҳаётга кириб келаётган авлоднинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш вазифаси юкланди. Бу борада “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатига таяниш вазифаси мазкур давлат ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналиши этиб белгилаб қўйилди.

Умуман олганда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати шаклланишининг биринчи босқичида мазкур сиёсатининг ташкилий-ҳукукий асослари уни амалга оширишнинг ўзига хос механизмлари ва технологиялари ишлаб чиқилиб, ҳар даврда етарли даражада такомиллаштирилиб борилди. Натижада мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос йўли, яъни йилларга ном бериш орқали (1998 йил Оила йили, 2000 йил Соғлом авлод йили, 2001 йил Оналар ва болалар йили, 2008 йил Ёшлар йили, 2010 йил Баркамол авлод йили, 2012 йил Мустаҳкам оила йили, 2014 йил Соғлом бола йили, ва 2016 йил Соғлом она ва бола йили) ҳамда 2012 йилдан бошлаб эса (“Ўзбекистон Республикасида ёларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар”) Дастурларининг қабул қилиниши ва ушбу дастурларнинг молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаган ҳолда амалиётга жорий этилиб бориш тизими шаклланди.

**Иккинчи босқич** 2016 йилнинг 14 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги [16.32] қонуни қабул қилиниши билан бошланди. Мазкур қонунинг қабул қилиниши Ўзбекистонда ёшарга оид давлат сиёсати соҳасида ўзига хос мутлақо янги даврни бошлаб берди. Ўз навбатида,

## ТАРИХ

бу мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлашга, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулияти ва ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга, ушбу соҳада соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Мазкур қонун ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий қоидаларини ўзида мужассам этган. Қонун бундай сиёсатни шакллантириш ва рўёбга чиқаришга доир ташкилий-хуқуқий механизмларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириди. Замон талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилган. Булар сирасига ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатлари киради. Шу асосда ёшларнинг очик ва сифатли таълим олиши таъминланади. Ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашилади. Уларни ишга жойлаштириш ва бандлиги учун шарт-шароитлар яратилади. Уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга эътибор қаратилади. Ёшларни маънавий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, радикализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни ва ёш оиласларни қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, спортни, тадбиркорликни ривожлантириш доимо дикқат марказида бўлади.

Қонундаги эътиборли жиҳатлардан бири – унда ушбу йўналишдаги асосий тушунчалар “ёшларга оид давлат сиёсати”, “ёшлар (ёш фуқаролар)”, “ёш оила”, “ёш мутахассис” каби моҳияти очиб берилган [19.32].

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари, меҳнат, прокуратура, ички ишлар, адлия, мудофаа ишлари бўйича органлар,

нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий аҳборот воситалари сингари ташкилотлар аниқроғи, унинг субъектлари аниқ белгилаб қўйилган.

Ўз навбатида, қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ёшлар учун қўшимча кафолатлар, яъни белпул умумий ўрта маҳсус ва касб-ҳунар таълимни олиш, таълим муассасаларида ўқишга имтиёзли кредитлар тақдим этиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Таълим муассасаларини битирганидан кейин ёшларнинг бандлигини таъминлаш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш, ёшларнинг дам олиш ва соғломлаштириш ташкилотлари тизимини ривожлантириш ва бошқа шу кабилар қамраб олинган.

Шунингдек, Қонунда мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантларини тақдим этиш, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устахоналар ва мактабларни ташкил этишга кўмаклашиш, спорт секциялари фаолиятини ташкил этиш кабилар орқали амалга ошириш мумкин бўлган истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш масалалари тартибида солинган. Қонунда мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-кувватлаш бўйича давлат томонидан чора-тадбирларни кўришга алоҳида ўрин ажратилган.

Мазкур қонун нафақат ёшлар, ёш оила, балки ёш мутахассис, ёшлар тадбиркорлиги тушунчаларининг мазмунини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, комплекс ташкилий-хуқуқий ва институционал чора-тадбирларни қабул қилишга йўналиш ва асос бўладиган Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишларини белгилади. Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат бошқарувини ушбу жараёнда иштирок этадиган ҳар бир субъект ваколатларини мустаҳкамлаган ҳолда такомиллаштириди. Ўзбекистонда ёшларни ҳар томонлама рағбатлантирадиган қўшимча давлат кафолатларини кенгайтириш ва ўрнатишга, мамлакат иқтисодий ўсишининг локомотиви бўлган ёшлар ўртасидаги тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашишга кенг йўл очиб берди.

Қонун нормалари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда жамоат

ташкилотларининг, аввало, ёшлар ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ўрнини кучайтиради. Давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишида, соғлом баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишида, ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини юксалтиришида, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари муқаррар иштирокининг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланди.

Мазкур қонунда белгилаб берилган Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий лойиҳавий ва молиявий механизмлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувидан сўнг ёшлар сиёсати соҳасига оид 18 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2 та қонуни қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ПФ-5106-сон Фармони<sup>1</sup>[17,59] билан ёшлар масалаларига оид 70 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та қарори ва 1 та фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори ва 1 та фармойиши қабул қилиниши ёшлар сиёсати соҳасидаги испоҳотларнинг тизимли, босқичма-босқич амалга оширилишига замин яратмоқда.

Шунингдек, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини

қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан исплоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” [19.58] сифатида нишонланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [20] доирасидаги испоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Умуман олганда, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини шаклланиш ва амалга ошириш жараёнини икки босқичга бўлган ҳолда тадқиқ этиш мумкин. Мазкур хронологик даврлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонунлари детерминанд қилиб олинади. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг мустақил фаолият тури сифатида вужудга келиши, унинг меъёрий-ҳуқуқий ташкилий асосларининг шаклланиши ва ёшларга оид давлат сиёсати субъектларининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши биринчи босқичнинг ўзига хосхусусиятлари ҳисобланади. Иккинчи босқичини эса ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги тушунчаларнинг аниқ таърифланиши, устувор йўналишлар ва тамойилларнинг белгиланиши ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат ва нодавлат ташкилотларнинг қатъий белгиланиши, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари ва технологияларининг замон талабларига мос равища такомиллаштирилиши кабилар билан тавсифлаш мумкин.

Холоса қилиб айтганда биринчи босқични Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг шаклланиш ва институтционаллашув даври сифатида иккинчи босқични эса ёшларга оид давлат сиёсати механизмлари ва технологияларини соҳага оид барча давлат ва нодавлат ташкилотлари иштирокида амалиётга қўллаш ва ёшларнинг барча

<sup>1</sup>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (I кисм). – Т.: “O’zbekiston” НМИУ, 2017.Б – 59.

ТАРИХ

қатламларига кенг миқёсда кириб бориш даври сифатида кўрсатиш мумкин.

**Адабиётлар:**

1. Алимардониов Т. “Озодлиқда улғайган авлод” <http://www.biznes-daily.uz>
2. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги № 429-XII қонунин [http://www.lex.uz/search/all?form\\_id=3968&fyear=1991](http://www.lex.uz/search/all?form_id=3968&fyear=1991).
3. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги № 429-XII қонунининг 1 моддаси <http://www.lex.uz/acts/140894>
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008.
5. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2009. Т.17.
6. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги № 429-XII қонунининг 7 моддаси <http://www.lex.uz/acts/140894>
7. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда”. – Т.: Ўзбекистон, 1999 йил.
8. Тангриев Л. “Ёшлар сиёsat субъекти: бандлик муаммоси” номли номзодлик диссертацияси. Автореферат. –Т.: 2001 йил.
9. [www.parliament.gov.uz](http://www.parliament.gov.uz)
10. Жўраев Н. Янгиланиш концепцияси: яратилиши, эволюцияси ва амалиёти. – Т.: Маънавият, 2002.
11. Каримов И.А. 20-том, Бизнинг йўлими – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т., “Ўзбекистон” 2012.
12. Бўронова Д. “Ўзбекистонда ёшлар сиёсати: бош тамойиллар ва уларнинг моҳияти” – Т.: “Фофор Ғулом” НМИУ, 2008.
13. Ўзбекистон ёшларининг жамғармаси “Камолот” тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 18 апрель 1996 йил.
14. Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги 240-сонли қарорига тегишли ҳужжатлар тўплами. –Т.: 2001.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябрдаги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-кувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-486-сон қарори // Халқ сўзи, 2006 йил 10 октябрь.
16. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (I қисм). – Т.: “O'zbekiston” НМИУ, 2017.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 yil 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Халқ сўзи, 2017, 8 феврал.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)